

Эскидан «акл ёшда эмас, бошда» деган оталар сўзи юрадир. Янги ижтимоий эҳтиёжлар такозасиданмидир, надандир, бу кунги Туркия жумхурият ҳукумати янги бир макол ўртага отмишдир. Уда «Асрийлик каллада эмас, кулохдадир!» Эски маколнинг тўғрилигини кундалик ҳаётимиз билан исбот килинмоқда бўлса ҳам, ажабо Туркия ҳукумати бу казияси учун қандай далил ва исбот кўрсата оладир? Воқеан Туркия ҳукумати ўзининг бу ташаббусига турли далиллар келтирадир. Аввалан, овруполарнинг таҳкиридан қутулиши учун уларнинг пўстига буруниши кераклиги, иккинчи, мамлакатнинг асрий бир ҳаётга кириши учун овруполиқнинг қабули!

Бу масалалар, умуман шарқ ва ҳусусан ислом дунёси учун энг эски масалалардандир. Шарқ иқтисодий жиҳатдан тубанлашиб Оврупо сарватининг қўлида қола бошлагон замонлардан бери бу икки масала чиқгон ва уларни ҳал этишга эҳтиёж сезилган эди. Овруполилар бир мамлакатни истило қилар-қилмас икки жабҳали бир вазият тугуладир. Бир ёқдан овруполи ўзининг иркининг «нажиблигига» таяниб мустамлақа бўлиш жиҳатидан мағлуб ва шунинг учунда «зарил» халқларни тубан кўра бошлайдир. Бу қараш аввало шундан бошланадирки, у истилочи бойдир, булар қамбағал! Бой билан қамбағалнинг бир-бири билан муносабат ва муомаласи маълум.

Иккинчидан, улар қолиблардирлар, булар мағлуб!

Шарқлиларда эса қолибларнинг талашлари, жабр ва зулмларига қарши бир душманлик тугулғони қаби, уларнинг қарашларига қарши бошқа қоралар бўлмагонидан яхши кўрунмақ ва яранмоқ ҳислари пайдо бўладир. Овруполиларнинг қалабаси ортган сари нафратида ортадир, чунки бир ёқдан мамлуқининг қамбағаллана тушганидан «хўжаси»га «тақдим» қилиб, эвазига «марҳамат» қутатургон «матои» қамаядир.

Иккинчи ёқдан бу мағлубнинг бор ва йўқини берса ҳам, «марҳамат» қутиб юмрук (мушт маъносида — Б.К.) кўрганидан душманлиги ортадир. Бу ҳол кундан-кун ортадир, сира тўхтамайди. Оқибат кўринадики, вазият икки ёқдан ўзгармақда бўлса ҳам, бирисининг фойдасига, иккинчисининг зарарига ўзгаради, фойда кўрган томон табиий ўлароқ қаккая (гердаиш маъносида — Б.К.) боради, мағлуб тараф эса бунга бир қора ахтара бошлайди. Аввал исён қилмоқ бошига қелади ва исён ҳам қилади, лекин оқ қолғонини ва оқлик орқасида «ўлум»нинг қелганини кўруб кўркади, яна итоатга бошлайди. «Итоат» учун эса «қидам-қабр» қерақ бўладир, қолбуқи устидаги оқир юққа қарши қўюлатургон «тоқат» бўлмагонидан ва исён билан ҳам иш қикмогонидан яна бошқа қоралар излай бошлайди.

Умуман шарқ, ҳусусан бу кунги Туркия қана шу вазиятдади. Қиндда, Қинда, Эронда, Арабистонда ҳам шундайди. Қиндистон ўзининг фирқа низолари билан бу вазиятни оқик кўрсатади. Бир ёқдан таракқийқарвар, либерал, овруполи ақмок истаганлар йиллардан бери тиришадиқлар ва ўзининг хўжаларига қарши вазиятларини яхширтмок истадиқлар.

Инғлизлар эса - қар қанча оқий иркни мақтасалар ҳам, қиндларга қелганда мақтовлар тоқчада қоладиқ ва вахшият кундан-кун ортадиқ. Хуқуқсизлик кун сайин қаттиқ бир тус оладиқ.

Қиндаги қапталисун масалалари, ақнабийларнинг ерларига қараганда айри хуқуққа молик бўлишлари, бу кунги Қин бухронлари буларнинг шохидидир.

Оврупонинг иқтисодиёти орқасида вуқудга қелган шарқдаги бу ижтимоий қаракатлар турлича қараёнлар тугдиради.

Хиндистон ўзининг Ганди ва Тогурлари билан иктисодиятда бўлгони каби барча ижтимоий муассасаларда, фалсафада, ахлоқтса, одатда — овруполиларга карши тушадир.

Ганди ва Тогурларча Оврупонинг дини-да бузук, дунёси-да! На унинг фалсафаси хакикатга етадир, на ахлоқи саодатга эришдирадир.

Оврупо бир «машина»дир ва унинг темир, кора чамбараклари, панжалари «инсонлик» виждонининг энг имонсиз душманидир. Шунинг учун ундан хазар этмак, кочмок лозимдир. Шунинг учундирки Тогур ўзининг «хофизона» ва «бедилона»— хайёмона эмас! — назм ва наср-ла шарқнинг қадим руҳини куйлай бошлайдир. Ганди, Оврунонинг мол ва матога карши кўблашиб куйдириш ва шаҳар қорхоналарини ташлаб кишлоқларга чекинишлари билан бирга ўзининг юриш-туриши билан эски «будда»лик ва «барахман»ликини бошлайдир.

Эронда, ҳатто, Эроннинг исломларида ҳам — эски зардуштликка томон жидтсий майл борлиги букун кўзга урулмоқдадир. Туркияда ҳам бу қадимга берилиш жараёни йўқ эмасдир. Баъзи парчалари-ла Яхё Камол, насрлари-ла Ёқуб Кодирийлар бу мактабнинг бошлиқларидан саналсалар мумкиндир. Лекин бу кунги Туркия жумҳурият ҳукумати бу жараёнга карши юқорида кўрсатганимизча тамом маъноси-ла овруполик жараёни тарафдоридир. Факат том маъноси-ла эмас, кўрқокча бир овруполик тарафдоридир. Чунки: Оврупонинг фалсафа ва фанини қабул қилар экан кўрқоклиги бўлмаса, Оврупо илм ва фанининг чиқаргон сўсийелизм ва унинг тўнгич ўгли бўлгон коммунизмга карши бу қадар қаттиқ ҳаракат нечундир. Воқеан бу бир тарафдан майда буржуазиянинг манфаат тақозоси каби иЗох этилса ҳам унинг асосида ўшал кўрқоклик турмайдирми? «Илм ва фан»нинг хакикатларига карши манфаат кўрқоклиги! Мантиқан қарангиз! Салла ўрнида шапка қийилса овруполашгон бўлур эканлар ва овруполиларнинг таҳкиридан қутулур эканлар. Бу кўрқоклик эмас, қулунч бир маймунликдир. Бу ақл ва мантиқингиз билан қишдан қандай чиқдингиз, ўртоқлар?

Бу кўрсатадирки: аввало Туркия жумҳурият ҳукумати ижтимоий масалаларни изох қилиш йўлини англамайдир ва ижтимоий таъхуротга аҳамият бермайдир.

Иккинчидан, мамлакатнинг иктисодий мановфеини асло кўз олдиға қелтирмайдир. Унга ёлғиз овруполиларға ёронмок лозимдир.

Овруполиларнинг бу қунги шапкалари буйруқ остида тугулмагон каби, муслмон ва шарқлиларнинг қийимларида ҳеч бир хон ва авлиёнинг талқини билан бўлмагондир. Бу бир ижтимоий муассасадики, муҳит ва замон таъсири остида тугуладир ва яшайдир. Сўнгра овруполининг салла ўрағони билан муслмон бўлмағони қанча аниқ бўлса бир шарқлининг шапка қийиши билан америкалича тушуна олмаслиги ва ўзининг айри хусусиятларини доимо сақлайтургонлиги бадихдир. Ёронмок - ҳуш кўринмок масалаларига қелганда ҳам ҳол айнидир. Модомики, Туркия ва шарқ, Оврупо ва Амрико сарватдорларининг манфаатларига карши қурашадир ва уларнинг жигарига суқулган панжаларини арралайдир, юз оут таққан билан, минг қарра қалисоға қирган билан, ҳудони уқ эмас, ўн мингта демак билан ҳам ёронмайди, суқулмайдир.

Қандайки бугунги Оврупо ва Амриконинг ишқиси шапкаси, дини ва одатлари билан бир рангда бўлса ҳам яна уларнинг ўғай ўғлидир.

Бу хакиқатлар кўз оддида экан, бу ҳаракатлар ижтимоий ҳаётни анғламаслик эмасда надур? Юқорида кўрсатилган каби манфаати бўлмагон ташаббус ва ҳаракатнинг айри бир иктисодий зарари бордир.

Туркия икки-уқ асрлик қапталисун вазияти ва ярим асрлик узулмай қелган урушлар

билан талангон ва йикилгон вайронадан бошка бир нарса эмасдир. Иктисодий жихатдан тузатиш учун хали энг ками чорак асрча бир муддат тинч туриши керак бўлгон бир мамлакат учун — айникса, Туркия каби майда хунар мамлакати учун — бир кийимни ўзгартиришнинг мажбурий бўлиши озми зарар берадир.

12—15 милйўнлик фабрикаси бўлмагон бир мамлакатнинг «кийимлик»ларини тайёрламок учун канча одам машгул бўлгон бўлур ва тушунмаган бир буйрук ижроси билан канча киши ишсиз қоладир, бир ўйлаш керак эмасмидир?

Бунинг устига бир оз шахсий хурриятни ҳам илова қилайлик, бу бир бугов ва занжир бўлмай—нима бўла олуру?

Техронда чикатургон «Оянда» журналида ҳам Эрон ҳукуматиға мамлакат ислохати учун қилингон таклифлар орасида Эрон миллатининг бир фўрмада бўлиши таклифи қирғизиладир. Буда туркиялилар каби тушунишдан қелгандир.

Маколамизнинг охирида шуни айтиб ўтайликки: Шўровий ўлкаларда — душманларнинг бутун норозилиқларига қарман — бир ҳол қўрсатадирки, уда ижтимоий ҳаётнинг қирларини англашга қўшнилардан қўра қиддийроқ ва қуқурроқ ўйлашдир. Бир тантанали суратда жаҳонга эълон этмақ билан фаҳр этмақ мумқиндир.

Шўро ҳукуматида энг асосли ижтимоий масалалар ислохи учун қиршиладир. Қундалиқ ёримчик - аҳамиятсиз, майда-қуддалардан умр зое қилинмайдир.

«Қийим-қечак» деб қуришдан қўра қишлоқ ҳўжалигини яҳширтиш, мақтаблар қиш масалалари мавзуи баҳс этиладир. Чунки дехқоннинг қиссасига қул қирса, қойиса, ўқиш-ёқишни ўрганса, маданият ҳаётга ёқлаш ўз-ўқидан қийими тозаланадир, ўзгарадир. Ўйларда тезазалар қуруладир.

Диний масалаларда ҳам шундайдир. Шўро идорасида динларга ҳам том маъносида ҳуриқ бершшб, Туркияда бўлғони каби ҳонақохларни ёпмай, диннинг асосий ҳурофатиға қарши илмий, тарбиявий қурашлар олиб қориладир.

Қўшниларимиз бу ҳаракатларни биздан ибрат олсалар, тилақларига яна тезрак етар эдилар.

---

«Қаллами, қулохми?» Туркия ижтимоий ҳаётидаги воқеликка бақишланган бу мақола «Маориф ва ўқитқувчи» журналининг 1925 йил 10-қонида қосилган.